

Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

«Истеъмолчининг» (субистеъмолчининг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва қўлланилиш тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Хисобга олиш прибори тури (актив, номинал токи)	Хисобга олиш прибори рақами	Хисобга олиш прибори клемма копкоғидати корхона пломбасининг рақами	Улов		Хисоб- болтичи коэффициенти	Хисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлар и ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сўм/ 1 кВт.с
				Ток	Қучла- ниш			
Шиб 6 олш. кВ	Ex 541 02128 9с/11			-	-	1		450 ⁰⁰


Имзолар:

Истеъмолчи:

Шибдор Рой СЭТК АнСБ
Шибдор Рой СЭТК АнСБ
М.Ў. (Имзо)

Корхона:

Шибдор Рой СЭТК АнСБ
М.Ў. (Имзо)



электр энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги «Истеъмолчининг» аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, баргараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

«Истеъмолчига» ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш; «Истеъмолчининг» белгилаган тартибда киритилган таътирларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

«Истеъмолчи» да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқига белгилаган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, «Корхона» бунинг натижасида етказилган ҳақикий зарарини қоплашга, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақикий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. «Корхона» «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

«Истеъмолчи» электр энергияси истеъмолчининг белгилаган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, «Корхона» томонидан белгилаган электр энергияси қослаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди.

«Коракалпоқ худудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ томонидан шартномада кўрсатилган микдордаги электр энергияси етказиб берилмаган тақдирда, «Корхона» «Истеъмолчи»га етказиб берилмай қолган электр энергияни учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Корхона» «Истеъмолчи»ни қарздорлиги ёки бошқа асосли сабабларга кўра электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда факулдотда авария ҳолатлари юзга келганда (форс-мажор) «Истеъмолчи» олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзга келадиган барча келишмовчилик ва низолар музоқара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музоқара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгилаган тартибда ҳал қилинади.

VI. ЯКУНҲҲ ҚОНДАЛАР

6.1. Шартнома 2018 йил 31 кий гача бўлган муддатга тузилди.

Шартноманинг амал қилиш мудлати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш мудлати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг вақолатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақикий ҳисобланади.